

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ —

«Халқ сўзи»
МЕҲМОНИ

Ўзбекистон радиосининг турмушимизда тугган ўрни бекинди. Бир кеча-кундузда ҳаво тўқиларига қарийб 48 соат мобайнида эшитириш берилди. Ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қримтатар тилларида берилган ҳозиржа-воб ахборотлар, ижтимоий-сиёсий, публицистик, бадиий-драматик дастурлар, дилрабо куй ва қўшиқлар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар радиомухлисларига ҳам манзур бўлаётганлиги сир эмас. «Машғал»нинг эса хорижий давлатларда ҳам мухлислари кўпайиб бормоқда.

Қуйдаги саҳифада Ўзбекистон радиоси жамоасининг ижодий ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ЭНДИ БИЗ ТИНГЛОВЧИНИНГ МЕЪДАСИГА
ТЕҒАДИГАН ЭШИТТИРИШЛАРДАН ВОЗ КЕЧДИК

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ ВА УНИНГ ХАЛҚИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДА ИСЛОҲОТЛАР
ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРАПТИ. ЮЗ БЕРАЕТГАН ИЖОВИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚУЛАМИ КЕНГ.

Биз мамлакатимиз раҳ-барияти ўтказётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида фикр юритар эканмиз, ўз навбатида халқимиз ман-фаати назарда тутилган оқилона сиёсатнинг амалга оширилишига ҳисса қўшиш иштиёқида ёнамиз. Давлатимиз сиёсатининг асосий мақсади, халқчил йўнали-ши, ўзига хос танлаган йў-ли, самараси ва бошқа жи-ҳатлари юзасидан аҳоли фикрини шакллантиришда радиодан тарафбатган ҳар бир сўзнинг куч-қудраты бекинди. Радио журналистла-римиз ўз зиммаларидаги бундай юксак масъулиятни ҳис этиб, фаолият кўрса-тишмоқда.

Ижодий жамоамиз ана шу талаблардан келиб чи-қиб, 1994 йилга янги ўн-режалар билан қадам қўй-дилар. Бундан буён биз йил бошида йўналиши қатъ-ий қилиб белгиланиб, йил охиригача ўзгармайди, тингловчининг меъдасига тегадиган эшиттиришлар тайёрлашдан воз кечамиз. Энг муҳими, Ўзбекистон-нинг халқаро миёсда олиб бораётган оғу-эти-боридан, иқтисодий исло-ҳотдаги ўзгаришлардан, демократик жараёнлар юз-га келтиришда ижтимоий-сиёсий вазиятдан, умуман, давлатимиз ва халқимиз

манфаатидан келиб чиқиб режаларимизга, эшиттириш-ларимизга ўзгаришлар ки-риштириб борамиз. Давр, ҳа-ёт билан ҳамнафаслик — радиожурналистлар меҳна-тининг асосий мезонидир.

Албатта, бир кеча-кун-дузда 48 соат (биринчи ва иккинчи дастурлар, шаҳар радио тармоғи ҳамда «Машғал» тўқини орқа-ли) эшитириш олиб бо-ринининг ўзи бўлмайди. Бунга катта ижодий куч ва техник имконият керак. Очинини айтиш ке-рак, мавжуд техник имко-ниятларимиз бундан буён эшиттиришларни эфирга узатишни таъминлашда қувватлари янада оши-ришни тақозо этади. Би-роқ ижодий имкониятимиз катта. Бизда жумҳурият ҳаётини ҳаққоний, жонли ва таъсирчан ёритишга қо-дир маҳоратли радиожур-налистлар анчагина. Улар шу ижодий жамоада камол-га етганлар. Бу йилги катта режаларимизни из-чиллик ва ҳозиржавоблик билан амалга оширишда синовдан ўтган ана шу кучга таянамиз.

Юқоридагилардан Ўзе-кистон радиоси шу пайтга-га бир қоллида ишлаб кел-ган-у, энди жиддий ўзга-

ришлар қилмоқчи, деган фикрни ўқмаслик керак. Радиожурналистларимиз ҳа-минча изланишда бўлиб ке-лишган. Эҳтиёт, баъзида қў-лини бўлганлар. Бу жамият тараққийотидаги ўзгариш-ларга боғлиқ. Агар муста-қиллигимизнинг янада мус-таҳкамланиши, қадриятла-римизнинг тикланиши, мил-лий мафкурамизнинг юза-га келиши, ўзигимизни ан-гаш, сиёсий ва иқтисод-ий ислоҳотда дадил қалам ташлаш нуктаи назардан ёндошадиган бўлсак, 1993 йил Ўзбекистон учун кут-луг келди. Бу ижтимоий-сиёсий кўтарилиш радио-даги ижодий муҳитга ижо-бий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Натияжада бир қатор янги эшиттиришлар юзга келди, қўлаб да-стурларда мавзулар ранг-баранглиги таъминланди, энг муҳими, радиотинглов-чилар қалбига йўл топиш ҳамда улар билан алоқани мустаҳкамлашнинг маъ-бул усул ва услублари из-лаб топилди.

Имкониятдан фойдала-ниб, ўтган йили амалга оширилган айрим диққатга сазовор ишларга тўхтал-иб ўтмоқчиман. Биз режа-ий ахборотларни етказишда бирорта мавбага боғланиб ёки умидвор бўлиб қолмас-

дан, мустақил давлат ра-диосига хос дадил ҳаракат қила бошладик. Турли рас-мий делегацияларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш, олий даражадаги уchrув-лар ва анжуманлар, ҳуку-мат тадбирлари, байрамлар, матбуот конференциялари ва бошқа катта маросим-лардан ёзилган жонли ре-портажлар дастлаб радио орқали эшиттириладиган бўлди. Ваҳоланки, илгари бундай пайтда Ўзбекистон ахборот агентлигидан олин-ган хабар билан чегарала-ниб қолинарди. Биз турли расмий маросимлар, ан-жуманлар ва катта танта-буларни ёзиб олиб эмас, балки воқеа бўлиб ўтаёт-ган жойнинг ўзидан тўғри-дан-тўғри ҳаво мавжларига беришни ҳам йўлга қўйдик. Йўмладан, мустақиллик кўнига бағишланган байрам тантанасидан ўз соат, Амир Темурга ва Мирзо Улуғ-бекка ўрнатилган ёдгорлик-ларни очилишдан бир соат-дан тўғридан тўғри репор-тажлар олиб бордик. Бун-дай ҳозиржавоблик радио-журналистлар учун тажри-ба ва маҳорат синовы бўл-ди. Шунингдек, вилоятлар марказларида ўтadиган байрам таътаналари ва ўта муҳим ижтимоий-сиёсий маросимларни ҳам тўғри-



дан-тўғри эшиттириш таж-рибаси радио ҳаётига си-ниб борапти.

Ўтган йилги ишлар ҳа-қида гап кетганда, миллий қадриятларимизни тарғи-б қилиш билан боғлиқ му-ҳим бир янгиликни эсла-тиб ўтмоқчимиз. Бу Рама-зон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш масаласига доир ижодий ташаббуснинг ту-ғилишидир. Биз ҳар йил-да байрам учун алоҳида дастур ишлаб чиқдик. Улар билан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қониди дун-ий ишлар қўмитаси ва Мова-роуннахр мусулмонлари диний идораси ҳодимла-рини таништирдик. Бу ва-зифага масъул ижодий гу-руҳ ишга киришди. Қараб-сизни, айойиб эшиттириш-лар юзга келди. Мубола-сасиз айтишим мумкинки, ҳайит кунлари эфирга узатилган барча эшитти-ришлар мазмун, имон-э-тиқдор, одамийлик нуктаи назардан ўзбекона маъ-навиятимиз мезонларига мос бўлди.

Биз Наврўзни ёритишда ҳам бир томонликдан воз

кечдик. Ким нимани тайёр-лаб келса, эфирга берил-вермайд. Эшиттиришлар танлов асосида сараланади. Ижодий ҳайъатимиз ўтган йили «Ёшлик» бош муҳар-риратининг Наврўзга ба-ғишланган туркум эшит-тиришларини юқори баҳо-лади. Кейинчалик улар «Наврўз» ҳайрия жамғар-масининг мукофотига сазо-вор бўлди.

Агар радиоешиттириш-ларни диққат билан тинг-лаб бораётган бўлсангиз, ў-тган йили «Сайёрамиз са-доси», «Маърифат истар кўнгли», «Субҳидам сало-ми», «Истиқдолнинг ойдin йўлида», «Армуғон», «Қў-н-тил дафтари» сингари ўн-лаб янги эшиттиришлар пайдо бўлганлигини илгаб олгандирсиз. Бугунги кун-да ана шу эшиттиришлар мухлислар қалбидан жой олди. Бунга радиога кела-ётган хатлар ва бевосита эшиттириш муаллифлари-га қилинаётган телефон қўнғироқлари кўрсатиб турибди.

1994 йили радиожурна-листлар янгила кўн-тил куч-гайрат, изланиш ва та-шаббускорлик билан бош-лаганликлари эфирни бе-зизлаётган янги эшиттириш-лардан ҳам бўлиш мум-кин. «Иқтисодий чор-раҳаларида», деган му-суқий ахборотнинг биринчи сони эфирга чиқди. Муал-лиф-муҳаррирнинг топқир-лиги шунданки, иқтисодий ислоҳот ўртага қўйилган ўта муҳим масалалар моҳияти ва ечимни қисқа, лўнда ах-

боротларда, шарҳларда, му-суқия билан сайқалланиб, тушунарли тарзда тинглов-чи ҳукмига ҳавола этиляпти. «Бедорлик» деб номланган бадиий-му-суқий дам олиш дастури «Йўлга чиқди». Шунинг-дек, тингловчилар «Ардоқ-лайман, она-Табият», «Иқ-тисодий сўз сўрайди», «Жа-ҳон бозорига йўл», «Қалб гавҳари», «Хўжа Насрид-дин ҳужрасидаги ҳангома-лар», «Ёлқин», «Боболар-дан — болаларга» сингари ўнлаб янги дастурларни тингламоқдалар. Ватанга фидойилик, истиқлол фахри, тарихий, маданий, маънавий мерос, саҳоват, тарбия, Туркистон халқларининг бирлиги, хорикдаги вата-донлар билан алоқа, эр-танги кунимиз, сиёсий бар-қарорлик, иқтисодий исло-ҳот, юртимиз истиқболи ва бошқа долзарб масалалар 1994 йилдаги эшиттириш-ларда устивор мавзу бўлиб қолади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Радиоси жур-налистлари ўзларининг ижодий куч-гайратлари, ҳозиржавобликлари бун-дан буён ҳам мамлакатим-из ҳаётини ҳаққоний, жонли ва таъсирчан ёри-тиш учун, мустақиллиги-мизни ҳамда давлатчилиги-мизни мустаҳкамлаш йўли-да қўл қилинаётган бар-ча қарорларнинг ҳаётга изчил табдиқ этилишига сарфлайдилар.

Абдусамид ҚУЧИМОВ;
Ўзбекистон давлат теле-радиокорпорацияси раис-ининг ўринбосари. Ўзе-кистон халқ депутати.

• Хоразм

кучаси

49-уйи

ҲАЁТИМИНГ
БИР БЎЛАГИ

Ассалому алайкум, азиз-ларим! Мен сизларга мактуб йўллаб, ўз миннатдорчили-гимни изҳор қилмоқчиман. 70 ёшдаман. Қўп йиллар ўқитувчилик қилдим. Кейин-ги вақтда, саломатлигим ёмонлашди. Кеча-ю кундуз тушакка михланиб, эшитти-ришларингизни тинглайман. Сизларни дуо қиламан. «Оқ-шом тўқинлари»да ўзла-рининг ёқимли овозлари бил-ан инсонларга куч-қувват, қувонч бахш этаётган Ўкта-мали Давлатбой ўғли, Аҳ-маджон Аъзамжон ўғлига, ёқимли овози билан алта манзур бўлаётган Дилором-хон Умарова, Эркин Худой-берганова, овози юраклар-га етиб бораётган қизгинам Маъфурхон Муҳаммедова-га, «Келажак тонги» эшит-тиришини олиб бораётган Ҳафизахон Ҳайитметовага, «Дугоналар» эшиттириши бошқарувчилари Рихсиҳон Иброҳимова, Мамлакатхон Пулатова, Матлубахон Ис-ломова ва «Камалак» эшиттириши ходимларида дил сўзларини етказсангиз-лар.

Илоҳим барчагизнинг умрингиз узок, иқболингиз баланд бўлсин! Сизларга тинчлик, омонлик, хурсанд-чилик тилаб қоламан. Хур-мат-эҳтиром билан бунингиз Шарифахон ҚУШОҚОВА.

Тошкент шаҳри.

ТАКЛИФИМИЗ
БОР

«Онла зийнати», «Муҳаб-батла мунаввар олам», «Ибо маликалари», «Умид-ли дунё» каби эшиттириш-ларингиз дилимиздан ўрин олган. Уларни тинглар экан-миз, баъзан баҳслашиб, тортишиб қоламиз. Онамиз Мунаввархон Пулатова 7 фарзандни воғта етказди. Отамиздан айрилганимизда мен 2 ёшда эканман. Онам ҳеч қачон нолимай, ҳаёт-нинг аччиқ-чучуқларига бар-дош бериб, бизларни ҳалол-ликка, покликка ўргатдилар. Ҳозирги кунда бўлаётган баъзи нохуш воқеалар биз-ларни лол қолдиради. Эшит-тиришларингиз қалбларга умид бахш этади. Сизларга битта таклифимиз бор. Она-лар ҳақида ҳикоя қилувчи «Бизнинг оналар» деб ном-ланган эшиттириш дастури-ни тайёрласангизлар, нур устига аъло нур бўларди.

Наргиза ПУЛАТОВА,
Мирзо Улуғбек тумани.

БУТЎН
ВУЖУДИМ
БИЛАН
ТИНГЛАЙМАН

«Келажак тонги» эшитти-риши ижодкорлари! Ҳар-тонг сизларни бутун вужу-дим билан тинглайман. Тур-ли ҳаётини мавзулар болалар қалбига нур бағишлайпти. Вилоятлардаги болалар ҳа-ти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳар кунги эшиттиришларин-гиз биз тарбиячиларга ҳам қўлланма бўлмоқда. Эшит-тиришларингизнинг ранг-баранг ва қизилқарни бўли-шини тилаб қоламиз.

Матлуба АШУРОВА,
Шаҳрсаба шаҳри.

40 МИНГТА ЯҚИН ҚЎШИҚ
ЁЗИЛГАН МАГНИТ ТАСМАСИ

Малик НАБИЕВ,
Бадиий мусуқий эшитти-ришлар муҳаррираты бош муҳаррирининг ўринбосари:



— Ҳаётимизнинг ажрал-мас йўлошига айланган ра-диони мусуқасиз тасаввур этиш жуда қийин. Ҳар бир эшиттириш мусуқаси билан янада жозоба касб этади. Бугунги кунда салкам 40 мингта яқин қўшиқлар ёзил-ган магнит тасмалари фоно-тека жавонларимизда аябай сақланмоқда. Улар вақти-вақти билан ҳаво тўқинларида янграб, тинг-ловчиларга завқу шавқ улаш-моқда.

Муҳаррираты ижодий жамоаси фаолиятида кат-та ўзгаришлар бўляпти. Республикаимизнинг турли ижрочи жа-моалари, бадиий ҳава-сдорлик уюшмалари билан

яқиндан алоқа ўрнатилди. Халқимиз ўзининг бир қатор янги хонадаларини бизнинг ижодий жамоамиз хизматлари туфайли таниди. Ўзбекистон мусуқаси ҳаёти янгиликлар, унинг олдида турган муаммолар тайёрла-ётган қатор эшиттириш-ларда ўз аксини топтоқда. «Мусуқаси ва саҳна» турку-миданги эшиттиришларда бу соҳанинг таниқли мутахас-сислари иштирокда баҳс ўтказилмоқда.


Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибати, ахлоқ-оод, тинч-лик, садоқат ва одамийлик-ни улугловчи гоғлар куйла-надиган «Хайрли тун» эшит-тириши мухлислар эътиборига ҳавола этил-ляпти. Қўшиқ ёзиб олувчи гуруҳимиз барча вилоятлар-да бўлиб қатор санъаткор-ларнинг янги қўшиқларини магнит тасмаларига туши-ришни мўлжалламоқда.

Мусуқаси халқ маънавия-тининг акралмас қисми. У асрлар оша одамлар ораси-да фақат яхшиликни куй-лаб келган. Кишиларни э-гузликка, улугвор ишларга чорлаган. Бизнинг жамоамиз бу борада халққа хизмат қилаётганлигидан фахрлана-ди.



СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон радиоси суҳбатдош-лари Клара Халилова ва Незматилла Эгамбердиевларнинг эшиттириш олиб бораётган пайти. 2. (чапдан) «Ёшлик» радиостанцияси муҳаррираты ходимларидан муҳаррир Савра Расуллова, бош муҳаррир Шоабдулла Муҳаммаджон, шарҳловчи Муҳаммад Халилова ва катта муҳаррир Умида Усмонова.

• Сўз муҳаррирларига

БОЛАЛАР
ЖАННАТИЙ
МЕҲРГА
ЛОЙИҚ

Эркин МАЛИКОВ,
«Маориф ва тарбия» му-ҳарриратынинг бош муҳар-рири:

— Бола деган мурғак жон қадим-қадимдан жаннат тулларида менгзаб келин-ганди. Биз эса уни жўнгина қилиб «Келажакимиз» дей-миз. Болаларга жаннатий меҳр кўзи билан қараш ке-рак.

«Маориф ва тарбия» му-ҳаррираты болалар тарбия-сининг барча жиҳатларини фаромуш қилмаган ҳолда, бутун эътибори ва изланиш-ларини уларнинг маънавий камолотига қаратган.

Сиз «Келажак тонги»ни яхши биласиз. Мазкур эшит-тириш муҳарриратыимизнинг юзи саналади. Биз бу эшит-тиришнинг ҳар бир сонига сўзи кескинлик, қўлогли зий-ракми, юзи офтобим, деб қараймиз ва шу сифатлар-нинг бирортаси етишмаса, тингловчилардан койиш эшитилиши аниқ бўлиб қо-лади.

Нима қилайликки, маъна-вийнинг манави ёни болаларники, бу ёни катталар-ники, деб бўлмаса. Бола катталарга қараб, дунёни кўради, катталар эртасини болаларга қараб кўради, улар бир-бирларига бамисо-ли кўзугу. Баъзан тарихий мавзуларга ҳам қайтамиз. Эшиттиришлар болаларга манзур бўлса деймиз.

Нафсламбирга ҳозир катта-ю кичик йилма, фир-лашга, хабарга ташна. Биз нафақат «Келажак тонги»-да, балки ўсирилларга ба-ғишланган «Алғас» радио-студиямиз орқали, ота-она-ларга бағишланган «Ҳар бо-ла — бир дунё», ўқитувчи-ларга бағишланган «Маъри-фат истар кўнгли» ва ада-бий-драматик эшиттиришла-римизда ҳам ана шу эҳти-ёқни қондиришга ҳаракат қилаймиз.


Абдуазим АЛИМОВ,
радио мухбирлари тармо-ғининг бошлиғи:

— Радионинг ҳозиржавоб-лиги, тезкорлиги кўп жи-ҳатдан унинг вилоятлардаги мухбирлари фаолиятига боғлиқ. Мухбирлар тармо-ғини қай жиҳатдандир ра-дионинг юрагига қиёслаш мумкин. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан теле-тайн ва телефон орқали олинган хабарлар, овозли ёзувлар мухбирлар тармоғи-га келиб тушади. Сўнг эса муҳарриратларга тарқати-лади, шу куннинг ўзидаёқ Ўзбек, рус, қозоқ, тожик ва крим татар тилларида мам-лакатимиз узра таралади.

ЯНГАМИНГ ШЎРВАСИНИ
ШИРИН ҚИЛГАН...

Тўлан ҚЎЗИБОВЕВ,
«Табаассум» ижодий гу-руҳининг раҳбари:

— Мана, чорак асрдан ошдикки, «Табаассум» Ўзе-кистон радиоси эшиттириш-лари дастуридан доимий ўрин олган. «Табаассум» уст-ахонасидан таралаётган қувноқ кўнглиларининг акс-а-доси дунёимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларига, Ҳо-зоғистон, Қирғизистон, Қо-зғизистон Республикала-рига ҳам эшитилиб турибди.




Сайдазим МАРДИЕВ,
иқтисодий ва қишлоқ ҳаёти муҳаррираты бош муҳаррирининг ўринбоса-ри:

— Инглиз файласуфи Генри Томас бир вазифа бундай ёзганди: «Илгарилар-ни табияти бой бўлган мам-лакатлар бадавлат ҳисобла-нарди, эндиликда одамлар қайратли бўлган мамлакат-лар энг бадавлат ҳисоблана-ди».

Шукри, Ўзбекистон бу ҳар икки неъматдан ҳам бе-бахра эмас. Табиий, бойлик-ларимиз бисёр, одамлари-миз ҳам гайратли. Президентимизнинг кейинги йиллар-даги бутун саяё-ҳаракатла-ри ана шу имкониятларни илға солишга қаратилгани ҳам бекиз эмас.

Бугунги кунга келиб маъ-лум бўлдики, юртимизда фидойи инсонлар, инбила-р мону тадбиркорлар ҳам эмас экан. Улар қўраётган ва меҳнат фаолиятини бош-лаган минг-минглаб корхо-наларнинг илк маҳсулотлари

«ТОКИОДАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОЛДИК...»
ДЕЙДИГАН КУНЛАРГА ЯҚИН ҚОЛДИ

Газета ва журналларнинг юқори бўлмаган даврда ҳам ҳар қандай хабар радио орқали кишиларга тезроқ

етиб борган. Бугунги кун-да эса ахборотга бўлган ча-ноқликни изохламас ҳам бўлади.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг айойиб анъаналари, мероси, бой тарихи, жаҳонга машҳур бўлган буюқ фарзандлари ҳақидаги қўпгина эшитти-ришлар ҳам вилоятлардаги мухбирлар қаламига мансуб. Шуниси қувончлики, ҳар бир эшиттиришда халқимиз-нинг мустақиллигини мус-таҳкамлаш йўлидаги фидо-корона меҳнатини, Прези-дентимизнинг ички ва таш-қи сиёсат борасидаги фао-

лиятини қўллаб-қувватла-ган ҳолда тинимсиз излана-ётганликлари кўрамиз. Бир сўз билан айтганда, мухбирлар томонидан тайёр-ланаётган материалларда шу куннинг нафасини сезамиз.

Ўзбекистон радиоси бу-гунги кунда Қорақалпоғис-тон Республикаси ва барча вилоятларда ўз мухбирла-рига эга. Дикторларимиз, мана бу хабарни Вашинг-тондан ёки Токиоданги му-хбиримиздан телефон орқали олди дейдиган кунларга яқин қолди.



бўлади. Муҳтарам юрдош-лар, «Табаассум»ни дўст ту-тинг. Агар сиз уни тинглаб бораётган бўлсангиз, ҳар сафар эшитириш якунида «Чехрангидан табассум ари-масин», деб тилак билдира-миз.

ОДАМЛАРИ ҒАЙРАТЛИ МАМЛАКАТ
ЭНГ БАДАВЛАТ ҲИСОБЛАНАДИ

лар энг бадавлат ҳисоблана-ди».

Шукри, Ўзбекистон бу ҳар икки неъматдан ҳам бе-бахра эмас. Табиий, бойлик-ларимиз бисёр, одамлари-миз ҳам гайратли. Президентимизнинг кейинги йиллар-даги бутун саяё-ҳаракатла-ри ана шу имкониятларни илға солишга қаратилгани ҳам бекиз эмас.

Бугунги кунга келиб маъ-лум бўлдики, юртимизда фидойи инсонлар, инбила-р мону тадбиркорлар ҳам эмас экан. Улар қўраётган ва меҳнат фаолиятини бош-лаган минг-минглаб корхо-наларнинг илк маҳсулотлари

бозорларимизда пайдо бўл-ди.

«Иқтисодий» ва қишлоқ ҳаёти» бош муҳаррираты-нинг «Ишчинома», «Талаб ва таклиф», «Ишканбада 50 дақиқа», «Қишлоқ ҳаёти» каби эшиттиришларида ана шу долзарб мавзулар кенг ёритилляпти. Уларда иқти-содийимиз чорраҳаларида турган ва баҳоли қудрат унинг юксалишига ҳисса қў-шаётганлар тилга олинмоқ-да.

Яқинда муҳарриратыимиз ижодкорлари янги эшитти-риш тайёрладилар. Бу иш-билармонлар ҳафталиги бў-

либ, «Иқтисодий чорраҳа-ларида», деб номланди. Мазкур ҳафталиқнинг би-ринчи сонидеёқ унинг мақ-сади, йўналиши ва мавзуси аниқ баён қилинди.

Иқтисодчиларнинг фик-рича ишбилармонлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тўқинчиликни бошлангич-дир. Бугунги иқтисодий ҳаётимиз ўнгланш аараф-сида, маҳсулотларимиз жа-ҳон бозорига ўз ўрни, ҳа-то, пуфузини топадиган кун-лар узоқ эмас.

ЭЪЛОНЛАР

ЭКСПО - 94

«ТЕХУНА»

“Тексуна” компаниялари гуруҳи

(Marbo Ltd., Pinehill Enterprise Ltd., Hillford Industries Ltd., Greenstone Ltd.)

“ТЕКСУНА КОМПАНИЯЛАРИ ГУРУҲИ” концерни Гонконгдаги бош офис, МДХдаги олтита офис ва Европа, Осиё ҳамда Америкадаги ваколатхоналари билан 35 йиллик савдо тажрибасига эга. Бизнинг бир йиллик оборотимиз 300 миллион АҚШ долларидадан ошиб кетади.




21-26 февраль кунлари ўтказилаётган кўргазмага қўйидагилар ҳавола қилинади:

	Болалар кийимлари	- Чико (Италия)
	Эркаклар ва аёлларнинг кийим ва пойабзаллари	- Тексуна, Бартер Групп (Швеция)
	Видео, аудио ва телетехника	- Панасоник, Хитачи (Япония)
	Автомобиллар	- Вольво (Швеция)
	Телекоммуникациялар	- Эриксон (Швеция)
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	- Бартер Трейд (Швеция)

Кўргазма соат 10⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача қўйидаги манзилда ўтказилади:
Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси, 45 (Кооперация уйи).

*Тўғридан-тўғри шартномалар манфаатлидир.
Шикониятингизни қўлдан берманг!*

Биз европа моделлари бўйича энг замонавий, юқори сифатли пойабзал ва кийимлар ишлаб чиқарамиз ҳамда етказиб берамиз. Бундан ташқари газмол, электроника, аудио ва видеотехника, болалар кийимлари ва пойабзаллари, Европадан озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқаларни ҳам омборлардан етказиб берамиз.



Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер ишлари олиб борувчилар диққатига!

Республикаимиз ерларига шаҳарлараро ишлаб турган алоқа кабеллари қўйилган. Бу кабелларнинг шикастланиши, телефонда гаплашувни бузилиши, телеграммаларни кеч келишига сабаб бўлади.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИ ДАВЛАТГА ИҚТИСОДИЙ ЗИЁН, АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИГА ЗАРАР КЕЛТИРАДИ.

Алоқа кабеллари учун, ҳукумат қарори билан, кенглиги 4 метрлик муҳофаза минтақаси ўрнатилган.

МУҲОҒАЗА МИНТАҚАСИДА, КАБЕЛЬ ЭҒАСИ БЎЛГАН КОРХОНАНИНГ ЁЗМА РУХСАТСИЗИЗ, ҲАР ҚАНДАЙ ЕР КОВЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ, ХАМДА ДАРАХТ ЎТКАЗИШ, ОМБОРХОНА ҚУРИШ, УЛОВ ҚУЙДИГАН ЖОЙ ВА БОШҚАЛАР ЎРНАТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.

Шаҳарлараро алоқа кабелли шаҳар ва аҳоли янаёвдан жойлар ҳудудидан таниқарила, устунчалар ёзувлар ва маҳсуе нишонлар билан белгилаб қўйилади.

КАБЕЛНИНГ МУҲОҒАЗА МИНТАҚАСИДА, ИШИ ОЛИБ БОРИШ ЭҲТИЁЖИ ТУҒИЛГАНДА, ТАМҒА НИШОНДА ҚЎРСАТИЛГАН МАНЗИЛГА ВА ТЕЛЕФОН РАҚАМИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ЛОЗИМ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАҲАРЛАРИДА, ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ, ФАҚАТ ЕРЛИ ҲОКИМИЯТНИНГ ТЕГИШЛИ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ОРДЕР БЎЙИЧА РУХСАТ ЭТИЛАДИ.

Алоқа кабелли ўтган ерлардан, сугориш тизмалари қовлаш, ерни текислаш ва бошқа ер ишларини келишилмасдан, қонунсиз бажарилишига йўл қўйилмайди.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНТИРИШ ҚОНУН БИЛАН ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, кабелга шикаст етказган айбдор, етказилган зарарни (унинг миқдори бир неча млн. сўмга етиши мумкин) қоплайди.

“Ўзбектелеком” концерни



“Навийазот”

ишлаб чиқариш бирлашмаси

ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ ВА СОТАМИЗ:

ПОЛИАМИД - 6 (донадор) куйма деталлар конструкцияси шаклида электротехника, машинасозлик, автомобилсозлик, асбоблар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида ҳамда турли техника соҳаларида қўлланилади.

Полиамид - 6 дан конструкциялаш мақсадида ишлатиладиган қисмлар: тишли филдирактлар, трумактлар (подшипниклар), втулкалар, стерженлар, галтактлар, вентилятор паррактлари, халқ истеъмол моллари учун айрим қисмлар тайёрланади.

ПОЛИАКРИЛАМИД - кимё саноатида, тоғ кимёси, кўмир саноатида, нефт казиб олиш саноатида қора ва рангли металлургия саноатида сув таъминотида ичимлик ҳўжалик сувларини тозалашда, шунингдек қоғоз - целлюлоза корхонасида ва тўқимачилик саноатининг барча тармоқларида қўлланилади.

СИРКАЛИ НАТРИЙ (НАТРИЙЛИ АЦЕТАТ).

Енгил саноатда, кимёвий корхоналарда дори тайёрлаш - фармацевтика соҳасида, анилинли буюқ саноатида ва соғлиқни сақлаш тиббиётида қўлланилади.

РУҲЛИ АЗОТ КИСЛОТАСИ, 6 СУВЛИ.

Металлургия, авиация, кимё, машинасозлик саноатларида деталларни рух билан қоплаш учун ишлатилади.

БАРИЙЛИ АЗОТ КИСЛОТАСИ

Шиша саноатида, кимёвий реактивлар, пиротехник аралашмалари, эмал ишлаб чиқаришда ва сантехник жиҳозларини қоплаш учун қўлланилади.

Қўйидаги манзила мурожаат қилинг:

706800, Навий шаҳри-5, “Навийазот”

Телефон: (43622) 9-22-04. Телетайп: 108731, АЗОТ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раҳбарияти ва Қўнанилар билан ишлаш бўлимининг катта референти Х. Ш. Шомансуровга ақаси

“Ўзсаноатфукароқурилиш” корпорациясига қарашли Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати очиқ кўринишдаги ҳиссadorлик жамиятига айлантирилди ва ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахслари билан аввал тузилган барча шартномалар бажарилишининг ўз зиммасига олади.

“ЎзбекПНИТ” илмий ишлаб чиқариш корхонаси Тошкентдаги омборлардан қўйидагиларни сотади:

1. IBM PC/AT 386 SX компьютери.
2. IBM PC/AT 386/387 DX компьютери.
3. “SHARP” PC-3000 микрокомпьютери.
4. “Technica” FT-2308DU телефони.
5. 189с кассетаси, 176 кассетаси, учирувчи лента (“Оптима” ва “Ромашка” ёзув машиналари учун).
6. Чет элда тайёрланган дераза тўсачилари.

Телефон 41-13-01, факс 41-21-27, Навий кўчаси, 13 (ТАҚИ, 1-бино, 308-хона).

Эркин алмаштириладиган валютани ХАРИД ҚИЛАМИЗ

402661528

тижорат нархи + 10%

тел. 91-00-68, 21-32-80

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги маъсулияти чекланган жамият «Мўмин» фирмаси тугатилди. Давфо ва аризалар газетада эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун давоминда қабул қилинади.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»),
Эркин ВОҲИДОВ, Мирақмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное
слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ,
(масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммаджон
ҚОРАБОВ, Сандаҳор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —
И. Худоберова, навбатчи —
З. Содиқов.